

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-kod

## ASTRUM IT: ZAMONAVIY KASBNING AFSONAVIY ISTIQBOLLARI



Юкори Чирчиқ туманидаги "ASTRUM" IT Академияси бугун юзлаб, ҳатто минглаб ёш истеъдодли дастурчиларни етиштириб келмоқда. У фаолияти бўйича нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги биринчи ва ягона компания ҳисобланади. Академияда 100 нафарга яқин ходим фаолият олиб боради. Мингга яқин ўқувчилар – дастурлаш, киберхавфсизлик ва 3D Max курсларида таҳсил олишмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### Эътибор

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да вилоятимиз фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан адабий-маърифий кеча ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги масъуллари, Ўзбекистон ёзувчилар ҳамда журналистлар уюшмалари аъзолари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди.

"Мен лолалар  
ундирдим  
сўздан..."



Тадбирда сўз олганлар шоирнинг ижодий фаолияти ва шеърининг аҳамияти, таржимонлик ишлари тўғрисида фикрларини билдириб, шоирни муборак ёши билан кутлашди. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Ботиржон

Эргашев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, Чирчиқ давлат педагогика университети проректори, шоирнинг шоғирди Баҳодир Хусанов, таниқли журналист Ирисмат Абдуҳолиқов ва бошқалар Абдулла Шер ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

### Ҳамкорлик



## ИККИ ТОМОН БИРДЕК МАНФААТДОР

Чирчиқ шаҳри ҳокими Даврон Ҳидояттов саноат кооперациясини ривожлантириш, шунингдек, келгусида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилиш мақсадида Татаристонга ташриф буюрди.

Сафар давомида ҳоким Башир Рамеев номидаги IT-парк, "Иннополис" ЭИЗ, "Химград" технополис, "Алабуга" ЭИЗ ва республиканинг бир қатор корхоналарида бўлди.

Шунингдек, делегация Казан шаҳридаги "КЭР Холдинг" АЖ Бош директори И. Саҳабиев билан учрашув ўтказди. Музокаралар давомида 2 та келишувга эришилди. Хусусан, "КЭР Холдинг" томонидан шахарда двигател, газотурбина ва компрессорларни қайта таъмирлаш ҳамда Ўрта Осиёда нефть ва кимё йўналишида ишлатиладиган двигател, компрессор ва турбиналарга хизмат кўрсатиш учун сервис марказини ташкил этиш бўйича келишув имзоланди.

Бундан ташқари Д. Ҳидояттов бошчилигидаги делегация Татаристон Республикасидаги "ТЭМ-ПО" АЖ холдинг компаниясида ҳам бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти билан танишиш ва компания директори Рустем Шарифуллин билан учрашув ўтказди.

Маълумот учун: "ТЭМ-ПО" АЖ 140 Га ер майдонида жойлашган бўлиб, холдинг таркибида 8 та йирик корхона мавжуд. Бугунга келиб, "ТЭМ-ПО" АЖ металл трубаларни ишлаб чиқариш бўйича Россиянинг кучли 3 талик корхонасига кирди.

Музокаралар якуни бўйича томонлар Англашув Меморандумини имзолашди.

### Вилоят бўйлаб



ЧИНОЗ туманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари С. Самадов бошчилигида тумандаги 9-, 40-умумтаълим мактабида бажарилаётган жорий таъмирлаш ишлари, 26-умумтаълим мактабда қурилаётган янги мини футбол майдонининг ҳолати кўздан кечирилди. Масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ҚИБРАЙ тумани йўлсозлари томонидан ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактабга яқин ҳудудлар ҳамда аҳоли гавжум бўлган марказий кўчаларнинг пиёдалар ўтиш жойларидаги мавжуд йўл чизиқлари янгиланиб, кўшимча йўл белгилари ўрнатилмоқда.

ЮКОРИ ЧИРЧИҚ тумани "Баркамол авлод" болалар мактабида "Буюк келажакка баркамол авлод билан" шiori остида "Очиқ эшиклар куни" тадбири бўлиб ўтди. Тадбир давомида тўгарак аъзолари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси, тарғибот акциялари, спорт мусобақалари ҳамда концерт дастури намойиш этилди.



ТОШКЕНТ тумани умумтаълим мактаби ўқувчи ёшлари ўртасида "Заковат" интеллектуал мусобақасининг туман bosқичи бўлиб ўтди. Мусобақада 25- мактаб ўқувчилари 1-, 16-мактаб ўқувчилари 2- ва 22-мактаб ўқувчилари 3-ўринни эгаллаб, мусобақанинг вилоят bosқичига йўланмани қўлга киритдилар.

### Қарор ва ижро

## Янгийўлда Унги лойиҳалар



Худудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллалар ободлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш доирасида ҳатто энг чекка манзилларда ҳам аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келаятган муаммолар ижобий ечим топмоқда. Жумладан, табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви, йўл билан боғлиқ муаммолар билан бир қаторда ижтимоий объектларда қулай шароитлар яратилмоқда.

## Баракалла, АКБАР!



Саудия Арабистонида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўз якунига етди. Хусусан, унда эркаклар ўртасида -109 кг вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкент вилояти фарзанди, Олимпиада ва жаҳон чемпиони Акбар Жўраев иккита олтин медални қўлга киритди.

Бўстонликлик атлет даст кўтаришда 189 кг. натижа билан олтин медални қўлга киритган бўлса, силтаб кўтаришда 226 кг. натижа билан кумуш медалга эга чиқди. Бу йўналишда олтин медал ҳам бегона қилинмади: 227 кг. натижа

кўрсатган Руслан Нуриддинов шоҳсула тўридан жой олди. Кувонарлиси, Акбар Жўраев икки кураш якунларига кўра 415 кг. тошни ўзига буйсундирган ҳолда иккинчи олтинга эга чиқиб, Руслан Нуридди-

новдан сўнг икки карра жаҳон чемпиони бўлган илк оғир атлетикачи сифатида ўзбек спорти тарихига кирди.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

— Бу ерда сунъий интеллект ёрдамида таълим беришнинг инновацион усули йўлга қўйилган, — дейди “ASTRUM” IT академияси директори Саидзамин Шавкатов. — Мазкур платформа АҚШнинг Калифорния штати Силикон водийсида ишлаб чиқилган бўлиб, бу орқали халқаро даражадаги йирик компанияларга ишга кириш имкониятини берувчи махсус QWASAR Silicon Valley сертификатини кўлга киритиш мумкин. Академиямизда ҳозирги кунда 1 500 га яқин талабалар мавжуд. Уларга кучли ва ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассислари

қилган. 2025 йилга бориб эса, бу кўрсаткич 10 млн АҚШ доллари, 2030 йилда бўлса, 50 млн. АҚШ доллари миқдорига даромад келтириш режа қилинган. Талабалар сони эса, 2030 йилга бориб 10 минг нафарга етказилади.

Президент томонидан қабул қилинган, ҳужжатларда худди шундай Технопарк резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, ижтимоий солиқни тўлашдан, шунингдек, Ўзбекистон Рес-

нологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Соҳада касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича қўрилаган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали IT-мутахассислар билан таъминлаш учун мустақам замин бўлмоқда. Хусусан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятдан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига

саласи — ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Дарвоқе, соҳада кадрлар тайёрлаш тизими тўғрисида сўз юритганда, амалга оширилган яна бир катта ишни алоҳида таъкидлаш лозим. 2022 йилда “IT Park” ҳамда Америка Қўшма Штатларининг “EPAM” компанияси ҳамкорлигида илк онлайн-университет, яъни “IT Park University” таълим даргоҳи ўз фаолиятини бошлади. Биргина 2022 йилнинг ўзида IT парк томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 5

бор. Мазкур марказлар орқали турли дастур ва платформалар ишлаб чиқилмоқда. Кейинги босқичда эса, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиш. Масалан, Американи энг кучли акселераторларидан ҳисобланмиш “Plug and Play”ни тақдир қилдик. Очиги, бу биз учун катта воқелик бўлди. Ушбу акселератор PayPal, Dropbox, Shippo ва шу каби бошқа йирик стартапларнинг биринчи инвесторларидан ҳисобланади. Қолаверса, “Plug and Play” — Mercedes Benz, Procter&Gamble, Bosch ва бошқа глобал корпорациялар билан узвий ҳамкорлик қилиб келади.

Шунингдек, соҳада хотин-қизлар фаолиятини янада ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “GAP” IT-клуби ишга туширилган. Тошкентда ёш мутахассислар учун “Digital Internship Program” амалиёти йўлга қўйилди.

— “To’maris Tech” деган лойиҳамиз бор, бу асосан аёлларимиз, уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун мўлжалланган, — дейди Ж.Ражабов. — Бу дастур Ўрта Осиё миқёсигача ўсиб кетди. Уттан йили Женевада платформамиз IT йўналишида “Энг яхши аҳолини ривожлантириш дастури” бўйича БМТнинг совринига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда кўшни давлат қизлари билан биргаликда Ўрта Осиё аёллар стартапларини кўрсатмасиниям ўтказиб келаямиз.

Кези келгани учун танловлар ҳақида ҳам икки оғиз гапирсак. БАА ҳукумати билан биргаликда қиймати 100 000 АҚШ доллари бўлган, талабалар ва мактаб ўқувчилари ўртасида давлат хизматлари учун энг яхши мобил иловалар танлови эълон қилинди. Унда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 100 дан ортиқ жамоа иштирок этди. Бутунжаҳон ҳукуматлар саммити доирасида — Бирлашган Араб Амирлиги томонидан ташкил этилган “Best Global M-Gov Award” танловидида эса, Ўзбекистон номидан қатнашган “Don’t waste” стартап иштирокчилари 136 000 АҚШ доллари миқдорига пул мукофотини кўлга киритишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан — ёшларнинг IT соҳасига қизиқишларини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий мукофот жамғармаси 1 000 000 АҚШ доллари бўлган “President Tech Award” танлови эълон қилинди.

Умуман олганда, стартап лойиҳалар ортидан IT-парк 2022 йилнинг ўзида 15 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестицияларни жалб қилишга муваффақ бўлди. Ўзбекистоннинг — Billz, Tass, Iman, GrowwMe каби стартаплари — халқаро бозорларга фаол экспансияни бошлашди.

Албатта, бу каби имконияту шароитлар ўз-ўзида бўлаётгани йўқ. Мамлакатда соҳа ривожига қизиқишларини эътибор, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бўлган интилишлар самараси ва қўлаверса, юрт етакчиси томонидан IT йўналишини жадал ривожлантириш йўлида қабул қилинган гоат муҳим ҳужжатлар — бу борада дастуриал-мал бўлиб хизмат қилмоқда.

Эрали НОРБЕКОВ,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

## ASTRUM IT: ЗАМОНАВИЙ КАСБНИНГ АФСОНАВИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

томонидан профессионал дарслар олиб борилади ва бундан ташқари йўқчиларга энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган аудиториялар ва юқори технологияли кампус хизмат кўрсатади.

Ташкил топганига у қадар кўп бўлмаган мазкур академиянинг ҳозиргача эришган ютуқлари ҳам бисёр. Хусусан, “ASTRUM” IT таълим маскани жаҳоннинг ICBA, Veon, ZibraAI, USAID, Khandid ва Anibeolseo каби компаниялари билан меморандумлар имзолаган. Бундан ташқари, Татаристон Республикасининг “INNOPOLIS” компанияси, Россиянинг “Сколково” Москва бизнес-бошқарув мактаби, шунингдек, “Cintana education” — “Arizona State University” (ASU) АҚШнинг нуфузли университетлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Қувонарлиси, USAID томонидан Академияда 200 нафар хотин-қизни белул ўқитиш учун грант маблағлари ажратилди.

Тўғриси, бугун бир гапни дадил айта оламиз: Ўзбекистонда ахборот технологиялари — энг ривожланган, энг истиқболли тармоқлардан бирига айланиб улгурди. Буни “ASTRUM” IT Академияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур ёш дастурчилар мактаби жорий йилнинг ўзида 3 млн. долларгача инвестиция жалб этишни мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



публикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эътиёжлари учун олиб қилиётган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот виситалари учун божхона тўловларидан озод қилинди.

Бир ҳақиқат аёни, ахборот технологиялари деган соҳада энг замонавий техника ва технологиялар қанчалик муҳим роль ўйнаса, бу соҳадаги кадрлар тайёрлаш ҳам аҳамият жиҳатдан ундан кам эмас. Бу тизимни такомиллаштириш эса “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли тех-

ноид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва бир қатор хорижий университетлар филиаллари фаолияти йўлга қўйилиб, туман ва шаҳарларда рақамли технологияларга ўқитиш марказлари босқичма-босқич ташкил этилди.

Соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам давлат раҳбари алоҳида эътибор қаратиб, 2020 йил 6 октябрда “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. У билан 2020-2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида — ўқувчилари “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли яқунланган мактабларнинг 100 нафар энг яхши фан ўқитувчиларини — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва IT-паркнинг маблағлари ҳисобидан ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорига бир марталик мукофотлаш тизими жорий қилинди. Соҳадаги кадрлар тайёрлаш ма-

триллион сўмни ташкил этгани ҳам — мазкур ақл маркази салоҳиятининг нечоғли катта эканини яққол намоян этди. Ташкил топганига ҳали унча кўп бўлмаган IT паркнинг ана шундай муваффақиятлари уни бутун Марказий Осиёдаги энг йирик IT-хабига айлантди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-чорагида IT Park Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги худудий филиаллари учун қўшимча бино ҳамда Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида 2 та IT академияси очилди. Айни пайтга келиб, Ўзбекистон худудидида жами 12 та IT Park филиаллари мавжуд.

Қамров кенг, шунга мос равишда салоҳият ҳам юксак. Қисқа вақт ичида IT Park 28 та янги стартаплар кўринишидаги биринчи меваларини берди, ахборот технологиялари соҳасида ўнлаб лойиҳаларни амалга оширди, шунингдек, ёшларни рағбатлантириш, соҳага бўлган қизиқиши ва аҳолида компьютер саводхонлигини ривожлантириш учун тренинглр, “воркшоп” ва “митап”лар яратди.

— Бугунги кунда 41 та университетда Инкубация маркази очилган, — дейди IT-Park директори ўринбосари Жаҳонгир Ражабов. — Айтиб ўтишим керакки, уларнинг 20 тадан ортиги бошқа худудларда жойлашган. Ҳар бир вилоятимизда инкубация марказимиз

Агар мисолларга қарайдиган бўлсак, Янгийўл туманида қарор доирасида 49 та маҳалланинг инфраструктурасини ривожлантириш мақсадида 66 та лойиҳани бажариш учун маблағлар ажратилди. Хусусан, маҳалла идораларини қуриш ва моддий техника билан таъминлаш учун 15 та лойиҳа ижрога қаратилди ва 15 та маҳалла учун янги хизмат биноси қуриб берилди. Тумандаги “Нурафшон” маҳалласи ҳам ана шулардан биридир.

Маҳаллада 2 минг 974 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда худудда электр, ички кўчаларни асфальтлаш, ичимлик суви муаммолари бирин-кетин ечимини топаётганидан аҳоли миннатдор. Яқинда қуриб, фойдаланишга топширилган маҳалла идорасининг янги биноси эса аҳолига чинакам хурсандчилик бағишлади.

— Шу вақтгача эски бинода бир амаллаб ишладик, — дейди маҳалла раиси Абдукарим Ходиев. — Албатта бу аҳоли билан мулоқотда бир қанча нуқталарни келтириб чиқарди. Мана энди янги бинога эга бўлдик. Бу ерда ходимларнинг иш олиб бориши учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бу каби имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ишсизлик даражасини камайтириш учун бор куч-гайратимизни ишга соламоиз.

Шунингдек, тумандаги маҳаллаларда узок йиллар давомида ҳукм суриб келатган тоза ичимлик суви билан боғлиқ масалалар ижобий ечим топмоқда.

— Жорий йилнинг бошида Янгийўл тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 70,6 фоизни ташкил этган бўлса, Президентимизнинг қарорлари асосида 37 тадан зиёд маҳаллада ишлар олиб борилади, — дейди “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



## Янгийўлда Ўнги лойиҳалар

Янгийўл тумани филиали раҳбари Абдиқодир Алчузоров. — Бунда 87 километрдан ортиқ сув қувурлари тортилиб, айни вақтда тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 83,5 фоизга етказилди. Ушбу лойиҳалар учун ажратилган 50 миллиард сўм мақсадли сарфланиб, аҳолига ичимлик сувини беришни бошладик.

— Кўп йиллардан бери сувни мотор ёрдамида ернинг тагидан чиқариб олардик, — дейди “Кирарик” маҳалласида истиқомат қилувчи Гулнора ая Умарова. — Охириги пайтлар сув камайганига уни чиқаришда ҳам муаммолар юзага кела бошлади. Айрим ҳолларда сув билан боғлиқ масала хонадонимизда яшаш шароитимизни мослаштириш учун монетлик қилиб келмоқда эди.

Эндиликда ҳар бир хонадонга тоза ичимлик суви жўмакларини ўрнатилди. Шу кунларни қўриб турганимиздан хурсандимиз.

Эътиборлиси, ушбу маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида ҳомиллар томонидан қиймати 800 миллион сўмлик сув минораси қуриб берилди. Ушбу иншоот 700 га яқин хонадонни ҳаёт манбаи билан таъминлаш қувватига эга. Худудларда олиб борилаётган бу каби ишлар аҳоли турмуш шароитининг тубдан ўзгаришига сабаб бўляпти. Бу эса уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Нозима РАСУЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири  
Жаллоддин ЭСОНОВ  
олган суратлар

Паркент туманидаги Самсарак қишлоғи ҳақида эшитгандирсиз? “Бобурнома” асарига баён қилинишча, саркарда мазкур қишлоқда тинимсиз сарсон-саргардонликлардан сўнг бир муддат қароргоҳ тикиб, лашкар тўплаган. Бир куни Бобурнинг тушига Ҳожа Аҳрор Валии қиради. Аллома Тангри таоло иродаси билан Бобур Мирзога Самарқанд тахтини эгаллаш насиб этаётгани ва тезроқ уйқудан уйғониб, йўлга отланишини қаромат қилади.

Ҳикоя қилишларича, мазкур худудда аввал бир нечта кўргон-тепалар бўлган. Улардан Думалоқтепа, Қангиттепа, Истамтепа, Масжидтепа, Бобуртепалар бугунгача сақланиб қолган. Бу ерда яна Қорамозор қадимчиси бўлиб, минг йиллик чинор остидан шифобахш бўлоқ қайнаб чиқади. Суви кўтри, қичима касалликларидида шифо бўлиши илмий асосланган.

Тумanning жанубий қисмида жойлашган мазкур худуд нафақат ўзининг тарихий аҳамиятга эгалиги, балки деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликдаги ютуқ ва тажрибалари билан ҳам анчайин танилган.

— Маҳалламиздаги 526 та хонадонда 2,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Самсарак” маҳалласи раиси Суҳроб Ниёзалев. — Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, зарур ижтимоий объектларнинг ишга туширилиши одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, тадбиркорлик йўналишидаги саъй-ҳаракатлар самара бериб, аҳолининг даромади ошмоқда.

Айтишларича, худудда иккита хусусий болалар боғчаси бўл-

■ Маҳалла ҳаёти

## САМСАРАКДАН ЯХШИ ДАРАК



са-да, аммо мактабгача давлат ташкилоти йўқ эди. Аҳолини вилоят ҳокимига қилган мурожаати инobatга олиниб, 150 уринли болалар боғчаси барпо этилди. Энди тоғлик болалар ҳам замонавий типдаги муассасада тарбияланишади.

Шунингдек, икки йил давомида ҳоким ёрдамчиси Сардор Эгамбердиевнинг саъй-ҳаракати билан 86 нафар фуқарога турли йўналишда имтиёзли кредитлар берилди. Натияжада анчагина фуқаронинг бандлиги таъминланди. Айниқса, 16 нафар ёшга имтиёзли мотокультиватор олишда қўмақлашилгани томорқачиликни ривожлантиришда қўл келди.

Мисол учун, Мирвоҳид Соидов шунинг ўзида мотокультиватор орқали ўз томорқасини удалаб, бошқа хўжалиklarнинг ерига ишлов беришга қарашиб, кредитнинг 60 фоизини ёлди. Унинг айтишича, эрта баҳорда ҳар сотих майдонга 30 минг сўмдан ишлов берилган.

Ҳақимжон Утимбоев библи-билмай жиноят кучасига кириб қолганди. Яхши хулқи, меҳнатқашлиги инobatга олиниб, томорқасининг 4 сотих майдонига имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб берилди. Унда лимон, помидор, бодринг етиштирилмоқда. Шунинг ортидан ҳозирда оила ўзини анча тиклаб олди.

Самсараклик аёлларнинг кўпчилиги тикиш-бишшдан хабардор. Аммо тикув машиналарнинг йўқлиги панд бераётган эди. Ирода Турғунбоева, Дилафруз Йўлдошевага олиб берилган тикув машинаси 5-6 кишини иш билан банд қилди. Яна 5 нафар хотин-қиз эса касбга ўқитилди.

Ҳақиқатан, Самсаракда кўп яхши ишларни амалга оширишга шароит етарли. Тез фурсатда маҳаллада туризмни янада ривожлантириш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Нигора ЎРОЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

# Самовий тулпорлар маскани

Азал-азалдан халқимиз табиатнинг ноёб жонзоди — отга алоҳида эътибор ва меҳр кўрсатиб келади. Чунки бу чопқир ва садоқатли жонивор одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил, мушкулени эса осмон қилиб, беминнат кўсончи вази фасани бажаради. Ёвқур ва ботир аждодларимизнинг мардонавор ҳаётларида ҳам бу жонзотнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган. От ўзига хос ризқ рамзи сифатида қўрилган. Шунинг учун ҳам эскилардан қолган бир нақл бор: "Отингдан айрилсанг ҳам жаккамик (яккамик, яъни от бойланадиган катта қозиқ — таҳририят)ингни бузма!".

бул қилинган ҳужжатлар соҳани юксалтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Урта Чирчиқ туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Ўзбегим отлари" корхонаси ана шундай эътибор махсули, десак тўғри таъкидлаган бўламиз. Мазкур от

моқда. Хусусан, мазкур от заводи қошида ташкил этилган Жокей — чавондозлик мактабида от спорти билан астойдил шуғулланиб келаётган ёшлар мўл. Улар орасидан кўпга Ўзбекистон чемпионолари ҳам етишиб чиққан. Айрим чавондоз ёшларимиз қатор халқро



заводида бугунги кунга келиб, "Ахалтекин", "Араб", "Қорабайир каби зотдор йилқилар, шунингдек, Европадан келтирилган инглиз ва немис отлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони мингтага етган. Ҳозирда корхонанинг 5 та махсус бўлимида бия, тойчоқ ҳамда 2,3,4 ва ундан катта ёшдаги чопқир тулпорлар парваришланмоқда.

мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга кириштириб келишмоқда. Кўп йиллардан бери от спорти билан мунтазам шуғулланган ҳолда бугунги кунда ўзлари ҳам устоз даражасига етган Қудратилла Исомқулов ҳали мактаб Исомиддинов каби жокейлар бу масканинг ана шундай таниқли чавондозларидир. Масалан, А.Исомиддинов 2014 йилда қўшни Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган халқро мусобақида муваффақиятли иштирок этиб,

## Шижоат

катта пойгада 2-урин соҳиби бўлган бўлса, жорий йилнинг 7 сентябрь куни "Ўзбегим отлари" корхонасида ташкил этилган худди шундай беллашувда 1-уринни қўлга киритди.

"Катта Тошкент дербиси" дея номланган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг қатор от спорти номдор клублари ҳамда қўшни Тожикистон чавондозлари иштирок этишди. Акмал ўзининг "Артур" лақабли оти билан иштирок этиб, 2400 метрлик масофада барча рақибларини ортада қолдирди. Бундан ташқари турнирда "Ўзбегим отлари" спорт клубининг яна бир моҳир чавондози Рихситилла Исомқулов "Окс" йўналишининг энг катта пойғасида ғолиб бўлди.

Қувонарлиси, Уртасарой худудининг "Чорвадор" маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Р.Исомқулов ҳали мактаб ўқувчиси. Шундай бўлишига қарамай, у каттадан катта ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг декабрь ойида Қорақолпоғистон Республикасида "Ҳосил байрами"га бағишлаб ўтказилган халқро мусобақанинг катта пойғасида ўзининг "Малбури" лақабли отида ғолиб чиқиб бош соврин — "Genta" автомобилни қўлга киритган эди. Шу муваффақияти ортадан ёш чавондоз Ўзбекистон чемпиони мақомига эришган.

Қолаверса, "Ўзбегим отлари" спорт клуби сафида Алишер Исмаилов, Абдулазиз Абдумаликов ҳамда Ҳаёт Умаров каби моҳир спортчилар мавжуд. Айни кунларда бу ёш ва умидли чавондозлар от спортининг турли даражадаги мусобақалари қаторида келгуси — 2024 йилнинг баҳорини Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган нуфузли халқро пойғаларида ҳам иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ

Тошкент вилоятдан доимий равишда спортнинг деярли барча турлари бўйича иқтидор эгалари етишиб чиққан. Хусусан, футболда ҳам. Олимжон Аширов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Жафар Ирисметов, Александр Гейнрих, Сервер Жепаров, Достонбек Ҳамдамов, Жасур Яхшибоев каби ноёб истеъдод соҳиблари айнан шу вилоят фарзандлари саналади. Бугунги кунда ҳам мазкур анъана давом этиб, янгидан-янги моҳир футболчилар, спорт юлдузлари етишиб чиқмоқда. Улардан бири — яқинда Беларусининг "Ислочь" клубига ўтган ангрелик ярим ҳимоячи 21 ёшли Санжар Жумабоев. Қуйидаги суҳбатда футболчининг ҳаёти, фаолияти, ютуқлари, янги жамоага ўтгандаги таассуротлари билан ўртоқлашамиз.

# АНГРЕНДАН ЧАҚНАГАН УМИД

— Санжар, футболга кириб келишингизга ким сабабчи бўлган?  
— Асосий сабабчи инсон раҳматли бобом Абдубанно Иброҳимов бўлган. 5 ёшимдан "Миллионлар уйини"га кириб қолганман. Бунинг сизга бобом мени ўша вақтда Ангрэн шаҳридаги футбол мактабига мураббийлик қилаётган Абдулазиз ва Абдулҳафиз Иброҳимовлар ёнига олиб борганлар. Футболнинг илк сабоқларини айнан улардан ўрганганман. Орадан бир йил ўтиб илк бор мусобақада иштирок этганман. Ангрэн шаҳридаги "Кимёгар" уйингоҳида ўтказилган кичик турнирда 3-уринни эгаллагандик.

— "ОКМК"га келишингиз қандай рўй берган?  
— Барчаси қутилмаганда бўлган. 2017 йилда Тошкент шаҳридаги футбол академиясига кўчиб ўтганман. У ерда бир йил маҳоратимни ошириш учун, пойтахтнинг "Локомотив" клубидан таклиф тушган. Ўша вақтда Ўзбекистоннинг энг кучли футболчиларини ўзига жалб қила бошлаган клуб қақурувини қабул қилганман. 2019 йилгача ушбу клуб академиясида таҳсил олиб, яна Тошкент шаҳридаги футбол академиясига кайтганман. У ерда мураббийим Шавкат Аҳмеджанов бўлган. Айнан ўша инсон мени 2020 йилда ОКМК клубига кўриқдан ўтиш учун юборгандилар. ОКМК таркибига Локомотив клубига қарши назорат баҳсида майдонга тушиб

охирида шартнома ўз ниҳоясига етгани боис 6 ой мобайнида майдонга тушолмадим. Футболда бу жуда катта муддат. Шу вақт давомида жисмоний ҳолатимни сақлаб туриш учун астойдил ҳаракат қилдим. Чекинишни истамасдим. Ахир айтишадими-ку, қора булутлар осмонни қоплаб олдим, сабр қил! Кучли ёмғирдан кейин, албатта, қуёш чиқади. Мен ҳам ана шу қуёшли кунларни кутдим. Шукр, ўша кунлар секин-асталик билан бўлсада, келди. Яна майдонга қайтдим.

— Беларус клубига трансферингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Бу қандай содир бўлди?  
— Агентим менга хориз клубларидан қизиқиш борлигини, ўзимни чет элда синаб кўришимни таклиф қилди. Бу менга маъқул келди. Боиси, Европада тўп суришни орозу қилардим.

— Агенти менга хориз клубларидан қизиқиш борлигини, ўзимни чет элда синаб кўришимни таклиф қилди. Бу менга маъқул келди. Боиси, Европада тўп суришни орозу қилардим. Аслида Поляда клубидан жиддий қизиқиш бўлган. Бироқ, виза муаммоси сабаб трансфер охиригача амалга ошмай қолди. Шунда Беларусь чемпионати вакили "Ислочь" таклифини қабул қилдим. Ҳозир клуб базасида машгулот ўтаётман. ФИФА кунлари сабаб чемпионатда қисқа танлафус юзага келган. Насиб қилса, яқин кунларда клуб либосида дебют қиламан.

— Жаҳон ва ўзбек футболдан кумирингиз ким? Қайси футболчиға ўхшашни истайсиз?  
— Жаҳон футбол юлдузи Лионель Мессига ўхшашга ҳаракат қиламан. Унинг ҳаракатлари ва ўйини бошқариш қобилияти учрашувга ўзгача кўрк беради. Ўзбек футболчиларидан эса Элдор Шомуродовни қузатиш ёқди. У ўзбек футбол фахри, десам янглишмаган бўламан. Терма жамоамизга у каби иқтидорли ва майдонда борини берадиган футболчилар жуда зарур.

— Футбол оламидаги энг олий мақсадингиз...  
— Терма жамоа билан жаҳон чемпионатида иштирок этиш. Бу барча футболчиларнинг ораси, менимча. Шунингдек, Лионель Мессига ўхшаб барча индивидуал совринларни қўлга киритишни мақсад қилганман ва бу йўлда ҳаракатдан тўхтамайман.

— "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Суҳробжон САДИРОВ суҳбатлашди



— **Сўраган эдингиз**

— **Электр тармоқлари корхонасидан келган назоратчилар уйимдаги ҳисоблагични қўриб, текширишларини айтишмоқда. Мен эса қарзим йўқлигини билдириб, уларни ичкарига қўймадим. Ўзи «ққли ҳисоблагич» бўлса, унга инсон омили аралашмаслиги керак эмасми?**

— **Назоратчилар "счётчик"ни текшириш учун уйимга кириши шартлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг бунга ҳуқуқи борми?**

— **Ҳафиза ИМОМОВА**  
Оҳангарон шаҳри

— **Ҳа, бор. Худудий электр тармоқлари корхонасининг вакили гувоҳномасини кўрсатган тақдирда, хонадондаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини соат 8:00 дан 20:00 гача ҳеч қандай қаршиликларсиз кўриш ҳуқуқига эга.**

латнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи далолатнома билан танишиши шарт. Агар фуқаро далолатномани имзолашни рад этса, ҳужжатда бу ҳақда тегишли ёзув қайд қилинади. Истеъмолчининг далолатномани имзолашни рад этиши уни электр тармоқларидан узиб қўйишга асос бўлади ва бу ҳақда у хабардор этилиши лозим.

— **Корхонамизда штат қисқариши муносабати билан менга оғоҳлантириш хати берилган эди. Маъмурият шунга баҳона қилиб бизга мукофот пули бермаяпти. Оғоҳлантириш муддати тугагунча мукофот пулларини олишга ҳақлимизми, йўқми?**

— **Зилола УМАРОВА**  
Оҳангарон тумани

— **Саволга Оҳангарон шаҳар адлия бўлими ЮХКМ бош юристконсулти Баҳром УСМОНОВ жавоб беради:**

— **Ходимларга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида оғоҳлантириш берилиши уларни бирор-бир меҳнат имтиёзлари ва кафолларидан маҳрум қилишга асос бўлмайди. Оғоҳлантириш муддати тугаб, токи меҳнат шартномаси бекор қилинганга қадар ходимнинг меҳнат муносабатлари аввал қандай бўлган бўлса, шу ҳолда қолади. Бирор-бир меҳнат қонунчилик ҳужжатларида оғоҳлантириш муддати давомида ходимларни меҳнат имтиёзларидан маҳрум қилиш ёки уларнинг муқдирини камайтириш ҳақида нормалар кўрсатилмаган.**

— **Ходимларга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида оғоҳлантириш берилиши уларни бирор-бир меҳнат имтиёзлари ва кафолларидан маҳрум қилишга асос бўлмайди. Оғоҳлантириш муддати тугаб, токи меҳнат шартномаси бекор қилинганга қадар ходимнинг меҳнат муносабатлари аввал қандай бўлган бўлса, шу ҳолда қолади. Бирор-бир меҳнат қонунчилик ҳужжатларида оғоҳлантириш муддати давомида ходимларни меҳнат имтиёзларидан маҳрум қилиш ёки уларнинг муқдирини камайтириш ҳақида нормалар кўрсатилмаган.**

— **Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига кўра, ходимлар оғоҳлантириш муддати давомида бошқалар қатори мукофот пулларини олишга ва бошқа меҳнат имтиёзларидан фойдаланишга ҳақли.**

## "Керакли тош"нинг оғирлиги қанча?

— **Биласизми**

— **Мақтабга борадиган болангизни сумкаси қандай оғирлигида эканлигига ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Одатда бошланғич синф болалари елкаларига деярли ўзининг оғирлигининг яримча келадиган сумка осилган бўлади.**

— **Мақтаб ўқувчиларининг китоб ва дафтарлари оғирлиги учун стандартлар:**

- **1-2-синф ўқувчилари учун** — 1,5 кг.дан ошмаслиги керак;
- **3-4-синфлар учун** — 2 кг.дан ошмаслиги керак;
- **5-6-синфлар учун** — 2,5 кг.дан ошмаслиги керак;
- **7-8-синфлар учун** — 3,5 кг.дан ошмаслиги керак;
- **9-11-синфлар учун** — 4 кг.дан ошмаслиги керак.



## Арнолд Беннетт

— **Бу ака-укалар Англиянинг Олдкесл шаҳрида истиқомат қилишарди. Жон 52, Роберт 49 ёшда бўлса-да, улар ханузгача буйдоқлар сафидайди. Қизиги, туғилгандан буён бирга яшаб, бирга овқатланишадими-ю, бироқ неча йилдирки, гаплашмайдилар...**

— **Кўнгирак қилди ва бизни кўрмоқчи эканлигини айтди.**

— **Шу пайт эшик кўнгирағи жириглади. Бу Павел Ливерсейж эди. У Жон ва Павел билан ҳам мактабдош, ҳам қалин дўст, шунингдек, ака-ука сингари у ҳам ҳали уйланмаганди.**


— **Ятим шуки, иккингиздан қай бирингиз Аннига уйлансангиз, мен пулларимни ўшанга қолдираман. Иккингиз ҳам уйланмансангиз, у ҳолда пуллар Аннига қолади.**

— **Севимли синглингиз Мари.**  
— **Ака-ука бу ҳақда бир неча кун уйландилар. 10 йил олдин Анни 27 ёшлигида иккаласи уни севиб қолгандилар. Шу тўғайли улар кўп жанжаллашди. Охири дилхираликдан сўнг гаплашмай қўйдилар. Аммо улар бир-бирини Аннига уйланиш фикридан қайтган-**

## Ҳикоя

— **ликларини билмасдилар...**

— **Нихоят, васиятнома ўқилгандан кейин 5-6 кун ўтиб Жон гап бошлади:**



# Васиятнома

— **Қалайсан, Павел? — сўради Жон.**

— **Жуда яхши, — жавоб қайтарди адвокат. — Мен сизларга синглингизнинг васиятномаси ҳақида айтмоқчи эдим. Бундан хабарингиз борида?**

— **Йўқ, — жавоб беришди улар бирданга. — У бизга бирор нима қолдирбидими?**

— **12 минг евро. Лекин аввал васиятноmani ўқишга имкон берсангиз...**

— **Адвокат ён чўнтағидан қоғоз чиқарди ва ўқишни бошлади:**

— **«Акаларим Жон ва Роберт! Сизлар ўзингизни ёш боладек тутасизлар. Мен ҳалиям Анни Эмери тўғайли жанжаллашиб қолганликларинг сабабини тушунмаман. Сизлар бечора Аннига нисбатан бешафқатлик қилдинглар. У 10 йилдан буён бирингизни кутади ахир. Қисқаси, васи-**

– Ардоқли шоиримизга аталган анжуман қалам аҳли учун адабиёт, шеърят байрами бўлди, – дейди халқ шоири Махмуд Тоир. – Абдулла ака ҳаётда ҳеч бир нарсани тилаб олмаган: хурматни, иззатни эл-юрт назарини. У олим сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ўз қудрати, ўз сўзига эга инсон. Ҳамиша айтган, ёзган сўзларидан ташбеҳлар товланиб туради. Сўзида саодат, салмоқ ва фалсафа бор. Бунга эришиш учун гоҳида одам



# "Мен лоталар ундирдим сўздан..."

ўздан, хузур-ҳаловатидан кечишига тўғри келади. Абдулла ака ҳаётини борлигини, ижодга, халқига бағишлаб келмоқда. Маърифий кеча куй-кўшиқларга уланиб кетди.

Шоирнинг шеърлари кўшиқ қилиб куйланди. Тадбир давомида Абдулла Шерни ҳам суҳбатга тортдик. – Юбилейни ўтказишга қарор қилган вилоят ҳокимлигидан жуда миннатдорман, – дейди Абдулла

Шер. – Ўзбекистон халқ шоири унвонини олганим мен учун тарихий кун бўлди. Мукофотни топириш жараёнида Президентимиз шундай самимий тилаклар билдирдики, эшитиб бошим кўкка етди. Абдулла Шер ижодига

бағишланган адабий анжуманлар Тошкент вилояти бўйлаб давом этади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбири  
Суҳробжон САДИРОВ  
олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## Кўргазма Суратдаги сийратлар

Тошкент Фотосуратлар уйида rassom Анвар Усмоновнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Унда унинг 100 дан ортиқ ижод намуналари намойиш этилди.

Кўргазма муаллифи Камолдин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институтида бакалаврият, магистратура босқичини ўтаган. Репин номидаги Санкт-Петербург давлат академик рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида малака оширган. Ҳар икки шаҳар ижодкор ҳаётида катта таассурот қолдирган.

Санкт-Петербургдаги табиат манзаралари билан тасвирланган қадимий меъморий бинолар томошабинни тарих сарҳадларига олиб киради. Бу ердаги "Қишки сокинлик", "Румянцев боғида қор", "Буюк князь Михаил Александрович саройи" ва бошқа ишлар қатор асарлар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Экспозицияда Тошкент ва унинг атрофи, вилоятдаги гўзал манза-



ралар акс эттирилган. Хусусан, "Хумсон", "Суқоқ", "Тошкентдан ташқарида", "Оқтош", "Оқтошда баҳор", "Бурчмуллада", "Бурчмулла тонги", "Тонги шуъла", "Оқтошда ёмғирли кун", "Суқоқда кузнинг илк кунлари", "Хумсонда олтин куз" каби асарлар кўргазмага келганлар қалбда илиқ таассурот қолдириши табиий.

Rassom қатор республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этган ва совринли уринлар, диплом, сертификат ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**TOSHKENT HAQIQATI**  
**TASHKENTSKAYA PRAVDA**

Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Мана гап

Аксар одамлардан икки сана аро битта кизик қолади.

Георгий ПОЛОНСКИЙ,  
Кинорежиссер

## Шогирд ғазалига мухаммас ёзган устоз



Кўпчилик яхши билади, шарқ шеърятини мухаммас шакли бор. Мухаммасда шоир биронта устоз шоир ғазаллари байтларининг ҳар бирини бешлик бандларга айлантиради. Шу тариқа

икки шоир мисралари пайвандидан иборат шеър пайдо қилинади. Таомилга кўра, мухаммас асосан, устоз шоирлар ғазалларидан кучли таъсирланиш ва муаллифга эҳтиром

ифодаси тўғрисида ёзилади. Аниқроғи, шогирдлар устозлар ғазалларига мухаммас боғлайдилар.

Яқинда хонанда Ботир Қодиров "Ойнинг ўн беш қоронғу" номида кўшиқни янги тақинда куйлаб чиқди. Ушбу дилбар кўшиқ айни мухаммасдан яралган. Бу мухаммас Эркин Воҳидов ғазалига шоир Ғайратий томонидан бастанган.

Этиборлиси шундаки, тошкентлик Ғайратий домла асримизнинг аллома шоири Эркин Воҳидовнинг шеърятини илк устози саналади.

Одатда шогирдлар устозлар ғазалига мухаммас

ёзсалар, бу ерда ана шу таомилга тескари борилган, яъни, устоз ўз шогирди ғазалига мухаммас боғлаган. Бу ҳам адабиётимиздаги камёб ҳодисалардандир. Зотан, Эркин Воҳидовнинг "У яшар менсиз ва лекин, мен тирикман у билан..." деган дилбар сатрлари устоз Ғайратий кўнглига туганмас ҳайрат ва ҳаяжон солган, илҳом бағишлаган бўлса ажабмас... Камтарин ва бағрикенг муаллим Ғайратий домла ҳамда улар ҳамиша ифтихор қилган шогирдлари – буюк сўз санъаткори Эркин Воҳидовнинг охиратлари обод бўлсин!

Муҳлис ҲАФИЗОВ

## Одамийлик шеvasи

Дарвоза олдида турган одамларни кўриб, ўғилнинг юраги шув этиб кетди. Одамларнинг кўпчилиги ҳам майлику-я, уларнинг қишлоқнинг урф-одатларига кўра чопон кийиб, белини боғлаб олганлиги, бошларидаги дўппи уни янада кўришти. Юраги гаш бўлиб, хавотирга тушди.

Ахир отасини кўрмаганига анча вақт бўлганди. Тўғри, у отаси билан тез-тез телефон орқали боғланиб, ҳол-аҳволини, соғлигини сўраб турар, баъзан эса уяли телефонига бир миқдорда пул ташлаб, ўзича уни хурсанд қиларди.

Ота бечора у билан телефон орқали тузук-қуруқ гаплашмас, "Ҳаммаси яхши, соғлигим жойида, ўзининг болаларинг яхшими? Бизда ҳаммаси тинч" деган гапдан нарига ўтмасди. Узоғи билан 3-4 дақиқа давом этадиган телефон орқали мулоқот шу билан ниҳоясига етарди. Ўғил мана шу ишнинг ота-онасидан хабар олиш деб билар, байрам кунлари иккита иссиқ нон, бир банка қаймоқ, турли ширинликлар олиб, уларни йўқлашни, тўйиб-тўйиб суҳбатларини олишни, онасининг тиззасига бош қўйиб, ёш болалардек ухлашни хаёлан оруз қилар, ammo бунга журъати етмасди, шекилли...

Яна бир нарса муҳими, отаси билан суҳбат чоғида онасини сўрамасди. Отасининг "Бизда ҳаммаси яхши" деган гапдан ҳаммани яхши деб ўйларди. Отаси билан сўнги марта учрашган вақтини эслади.

Ушанда қайсидир байрам муносабати билан ишхонадан уч ёки тўрт кунга таътил берилган ўғил бири ғайрат қилиб, ота-онасини кўргани борди. Унинг дарвозадан кўлида салафан пакетлар билан кириб келиши жиянлари, ота-онаси учун байрамга айланганди. Она ўғлини меҳр билан бағрига босар экан кўзи тўлганлигини, бир томчи ёш ўғлининг елкасига думалаб тушганлигини яширди. Мамнун эканлигини кўрсатиш учун бири муддат уни бағрига босиб турди. Ота эса ҳар

доимидек жиддий ҳолатда уни бир марта бағрига босди.

Ҳол-аҳвол, соғлиқни, оиладаги баъзи ишларни сўрашлардан сўнг келинлар олиб келган дастурхон ёзилган, ҳамма дастурхондаги мевалар, ўғил олиб келган турли шоколад, конфетлардан тановул қилина бошланди. Учқода пишганлиги учун тутун иси келиб турган овқат сузилди. Ўғил бир қошиқ олди-ю, ёқмаганлигини сез-

масдан кўлидан келгунча ўзи тикиб олмасмиди?"

Она ҳар қанча ҳаракат қилмасин бу саволларга жавоб тополмасди.

Ўтмиш хотиралар билан бўлиб, асосий мавзудан четлашиб кетиб-миз-ку. Хуллас, ўғилнинг хаёлида у отасининг сўнги нафас олаётганлигини кўра олмади, ундан рози-ризалик ололмади. Қадамни оғир-оғир ташлаб, оғир юк ортилган эски ара-

# ОТА ҲОВЛИ

дирмасликка ҳар қанча уринса ҳам она унга овқат маъқул келмаганлигини ўғилнинг юзидан, кўзидан, овқатни чайнашдан, ютолмай туришидан ҳис қилди. Бироқ начора, бошқа таом тайёрлашнинг имкони йўқ. Гап масалликда эмас, кейинги овқатдан ҳам тутантириқ иси келиши ва ўғлига ёмаслиги аниқ. Ўғил чой ва нон билан қиёвланди.

Ўзи бу зияратнинг ҳам асл сабаби бошқа эди. Нима дейсизми? Урқоқлар билан дам олишга келишиб олишганди. Бу сафар дўстларининг олдига боришга, улар билан дам олишга вақт топганди.

Ўғилнинг ўзини туттишини, ҳаракатларини кўриб, она ўйлаб қолди. "Бу бола қачон бунчалар кибрга берилиб кетди? Ахир кечагина (кеча дейилганига 25 йилдан ошдиёв) овқат пишраётганда ўчоқ тағида ўзи ўт қалаб турар, ўчоқдан бурсиқиб чиқаётган тутун ичидан бошини чиқариб, онасига қулиб қарар, унга кўлидан келганча ёрдам бермасмиди? Ёки онаси тайёрлаган овқатни доим мактаб-мактаб емасмиди? Отаси қўли калталик қилиб, унга замонавий пойабзал ёки костюм олиб беролмасе, бориға қанот қилиб кетаверадиган, у-бу жойи иретиладиган бўлса, устага олиб бор-

вадек зўрга ҳовлиси томон кетар экан яна бир воқеа эсига тушди.

Ушанда эрталабдан отаси кўнги-роқ қилганди. У асабий жиринглаётган телефон аппаратиға қараб, "Тонг отасдан кўнги-роқ бўляпти, тинчликмикан?" дея ётган жойида эринибгина гўшакини кўтарди:

- Алло!
- Ўғлим!
- Ассалому алайкум, дада.
- Ва алайкум ассалом. Яхшимисан?

– Раҳмат дада, ўзингиз яхшими? Тинчликми?

– Тинчлик ўғлим, тинчлик. Эрталабдан безовта қилдим.

– Йўқ, йўқ дада, ундай деманг.

Мана шу гапни айтаётганлиги қанчалар сохта эканлигини ҳаттоки унинг ўзи ҳам билиб, ўздан ўзи ижирганиб кетди. Ёнида пишиллаб ухлаб ётган хотинига бир қараб қўйиб, гапида давом этди.

– Дада, нима бўлди?

– Бизда ҳаммаси яхши.

Бу дадасининг ҳар доим айтадиган гап эди. Негадир ҳар сафар бу гапни тақрорларди.

– Бекорга шу пайтда телефон қилмасиз, дада.

– Тўғри, биз томонларда электр



Яхши ишла. Кунинг яхши ўтсин. Не-варалар айғонмагандир ҳали, уларга салом айтиб қўй.

– Бўпти, дада, бўпти. Яхши ўтиринглар.

– Майли ўғлим, уйдагиларни сўра. Мана шу билан суҳбат якуниға етганди. Ростдан ҳам ўғил кўчаға чиққанида отасининг телефон рақамиға ўн минг сўм ўтказганди. Лекин хаёлиға минг хил фикр келганди.

Нега доим мен ўтказишим керак. Ахир даданиннг мендан бошқа ўғиллари ҳам бор-ку. Қачон қарама, вақти бевақт "Телефонимға пул ташла" дей-

ди. Нима, менин пул заводим борми? Шундай дақиқаларда унинг хаёлиға мана шунақа бўлмағур мулоҳазалар ҳам меҳмон бўлганди.

Ҳозир ўша онларни эслаб ўздан нафратланиб кетарди. Бироқ энди кеч. Энди отасини кўролмади. Унинг насихатларға тўла гапларини эшити олмади. Негадир отаси ўша пайтларда гапирган гаплари унга ортиқча туйилар, уларнинг аслида насихат эканлигини мана ҳозир тушуниб етаетганди. Энди ҳар қанча афсус қилмасин фойдаси йўқлигини тушуниб турар, лекин барибир кўнглининг бир четида қандайдир умид бор эди.

Мана шундай ўй-фикрлар билан дарвозаси олдиға етиб келди. Бел боғлаб, қаторда турган катта укаси уни кутиб олгани чиқди ва қулоғиға шипшиди:

– Хавотир олманг ака, узоқда яшайдиган бир қариндошимиз ўтиб қолган экан, шунга дадам ҳовлимизда маърака қилайлик, деди. Шуни ўтказяпмиз.

Укасининг бу гапларини эшитган ўғилнинг кўнгли тўлди, кўзига ёш келди. Хаёлиға келган гаплардан уялди. Укасиға ҳеч нарса сездирмади. Сир бой бермади.

– Шуни айтиб қўйсаларинг бўлмасмиди? – деди бироз зарда билан.

– Барибир келолмасангиз керак деб хабар бермагандик ака, – деди ука ерга қараб.

Ўғил ҳовлиға кирди ва чорпоёда ўтирган отасини, сал нарида келинлари билан ўчоқ бошида куйдир-пишир қилаётган онасини кўриб, яна кўнгли тўлди.

Ўғилнинг кириб келганлигини кўрган она унга пешвоз чиқди ва ҳар доимидек меҳр билан бағриға босди.

Ўғил эса отасининг ёниға бориб, уни маҳкам кучоқлади, беихтиёр жилмайди, дили ёришди, отасининг елкасини меҳр билан силди ва фақатгина узиғагина эшитиладиган қилиб:

– Отам-а, отам... – деб қўйди.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonа manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456